

Спецификация к договору № 1/63 от 24.01.22 года

№ пп	Наименование	Ед. изм.	Серия	Кол-во	Цена	Сумма
1	Морфин г/х 1% 1мл	амп.	0590220	100.0000	4774.57	477457.00
2	Промедол р-р д/иньв. 10мг/мл 1мл (Тримеперидин)	амп.	10717	50.0000	3778.43	188921.50

Всего товаров на сумму 666378.5 сум.

Поставщик: ООО "ХОРАЗМ ДОРИ-ДАРМОН"

Получатель: РИОРИАТМ Хоразм филиали



# ШАРТНОМА № 1163

Урганч шаҳри

«17» Январь 2022 йил

«Хоразм Дори-Дармон» масъулияти чекланган жамияти бундан буён матида «Сотувчи» деб аталувчи номидан директор С.Қ.Бобожонов уставга асосан фаолият кўрсатувчи, иккинчи томондан РЛЮ ва РЛАТМ Хоразм қил бундан буён матида «Харидор» деб аталувчи номидан Т.М.Парванов уставга асосан фаолиятини амалга оширувчи куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» «Харидор»нинг талабномаси асосида Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган маҳсулотларни сотади, «Харидор» эса олган товарнинг хакини «Сотувчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг мўлжалланган суммаси Олти юз олти миң олти миңи минг 48 юз сөгичи саккиз сўм 5 тийин ҚҚС сиз сўмни ташкил қилади (бу суммага транспорт харажатлари кирмайди).

1.3. Шартноманинг мўлжалланган суммаси \_\_\_\_\_ ҚҚС билан жами сўмни ташкил қилади (бу суммага транспорт харажатлари кирмайди).

1.4. Сотилган товарларнинг умумий баҳоси, тури, сони, нархи спецификацияда ва ҳисоб-варақида кайд этилади.

## II. МАХСУЛОТ СИФАТИ

2.1. «Сотувчи» «Харидор»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатиغا эга бўлган, ишлатиш муддати 80%дан кам бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмларни сотади. Яроқлилик муддати 80% кам бўлса, «Харидор» билан келишилган ҳолда сотиб олинади.

## III. ЖўНАТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. «Харидор» гиёҳванд ва психотроп дори воситалари ҳамда прекурсорларни сотиб олишда уларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият учун олинган лицензия нусхасини «Сотувчи»га тақдим қилиши лозим.

3.2. Сотилган дори воситаларини қайтариш масаласи иккала томон келишган ҳолда амалга оширилади.

3.3. Ушбу шартноманинг 4.1. бандига мувофиқ тўлов амалга оширилгандан сўнг 10 кун муддат ичида товарларни жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иккала томон келишган ҳолда қопланади.

3.4. Товарларни етказиб бериш санаси этиб, тарафлар томонидан ҳисоб варақига қўл қўйилган кун белгиланади.

## IV. ТўЛОВ ШАРТЛАРИ

4.1. Тўлов тартиби олдиндан маҳсулот умумий нархининг 30 % шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида тўлаши, қолган 70 % суммаси эса тарафлар ўртасида қабул қилиш олиш акти имзоланганидан кейин 5 кун мобайнида амалга оширилади.

4.2. Агарда тўлов, шартноманинг 4.1 бандига асосан амалга оширилмаган тақдирда, «Сотувчи» ушбу шартномани бир тарафлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

4.3. Агарда "Харидор" ушбу шартнома имзолангандан кейин 5 кун ичида маҳсулотни танлаб олишни амалга оширмаса, «Сотувчи» ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, олдиндан тўланган тўлов қийматини 5% ушлаб қолган ҳолда қайтарилиши лозим бўлади.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мулкый жавобгардирлар.

5.2. Шартномани 2.1 бандига асосан «Сотувчи» томонидан сотилган маҳсулот сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда «Сотувчи» сифатсиз маҳсулотни сифатли маҳсулот билан алмаштириб беради.

5.3. Агарда "Харидор" ушбу шартномада кўрсатилган тўлов муддатини кечиктирган тақдирда, ҳар бир тўлов амалга оширилмаган кун учун шартнома суммасининг 0,5% миқдоридан, лекин ушбу шартнома умумий суммасининг 50%дан юқори бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

## VI. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Тарафларнинг биронтаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (Форс-мажор): табиий офатлар, уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, камал ҳолати, экспорт ёки импорт операцияларини ҳукумат томонидан таъқиқланиши билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлар учун жавобгар бўлмайди. Форс-мажор ҳолат бошланганлиги ва тугаганлиги тўғрисида ваколатли орган томонидан берилган ҳужжатга асосан бир тараф иккинчи тарафни зудлик билан ёзма равишда огоҳлантиради.

## VII. НИЗОНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида тинч, ўзаро келишилган ҳолда ҳамда тарафларнинг ўзаро жавоб бериш муддати 5 кун бўлган ёзма эътирозларнинг алмашинуви орқали хал этилади.

7.2. Тарафлар келишуви билан хал этилмаган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Урганч туманлараро иқтисодий суди орқали хал қилинади.

## VIII. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1. Шартнома 27.01.22 йилда имзоланди ва 31.12.22 йилгача қадар амал қилади. Аммо ушбу санага қадар шартномага асосан томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бажарилмай қолса, шартнома мажбуриятлар бажарилгунча амал қилади.

## IX. УМУМИЙ ХОЛАТЛАР

9.1. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва кўшимчалар фақат ёзма тартибда расмийлаштирилади ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан сўнг асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.2. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунилари асосида хал этилади.

9.3. Ушбу шартнома томонлар учун икки нусхада имзоланган ва муҳрланган бўлиб бир хил юридик кучга эга.

9.4. Бюджет ташкилотлари учун Шартнома, Ҳазначилик бўлиmlаридан рўйхатдан ўтказилган вақтдан қонуний кучга қиради.

## X. ТАРАФЛАРНИНГ ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

«Хоразм Дори-Дармон»  
масъулияти чекланган жамияти

Манзил: 220100, Урганч шаҳар П. Махмуд 5 уй  
х/р: 20210000100491064001

Банк: Ўзбекистон миллий банки Урганч бўлими


МФО: 00547, ОКЭД: 46460,

ИНН: 201018072

Тел: (+99862) 228-48-44, 228-52-35

Факс: (+99862) 228-48-04

Директор: С.Қ.Бобоҷонов



(бюджетдан маблағ олувчи)

Манзил \_\_\_\_\_

Тел/факс \_\_\_\_\_

ш/х \_\_\_\_\_

Бюджетдан \_\_\_\_\_

ОКЭД \_\_\_\_\_

Ҳазначилик бўлими \_\_\_\_\_

Газна х/в \_\_\_\_\_

Банкнинг номи \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_

Ҳазначилик бўлими \_\_\_\_\_

Р.қ.бар \_\_\_\_\_

(имзо, муҳр уриш)



Шартнома шартлари мазкур олди-сотди ишлари бўйича қонунчилик белгиланган шартларга мос келади ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқоралик Кодекси ҳақида 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонунга мувофиқлаштирилган.

2. Шартнома тузилган вақтда мазкур шартномани томонлар томонидан бажарилишига таъсир ўтказиши мумкин бўлган қонунчилик ёки бошқа томондан ҳеч қандай чегаралашлар бўлмаган.

Ҳуқуқшунос: \_\_\_\_\_